



The history of the emergence and development of the Habeas Corpus Act Institute in the New Uzbekistan Constitution and the constitutions of foreign countries

Gulchekhra TULAGANOVA¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 15 July 2023
Available online
25 August 2023

Keywords:

person,
right,
freedom,
immunity,
crime,
impartiality,
dispute,
constitution,
law,
sanction,
court,
appeal,
prison,
defense,
investigating judges.

ABSTRACT

This article discussed issues related to privacy included in the Constitution of New Uzbekistan, as well as the history of the emergence and development of the Habeas Corpus Act Institution in the constitutions of some foreign countries.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4-pp24-29>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Янги Ўзбекистон Конституцияси ва хорижий давлатлар конституциясида “Хабеас Корпус Акт” институти, унинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

шахс,
ҳуқуқ,
эркинлик,
дахлсизлик,

Ушбу мақолада Янги Ўзбекистон Конституциясига киритилган шахс дахлсизлиги боғлиқ масалалар, айрим хорижий давлатлар Конституциясида “Хабеас Корпус Акт” институти, унинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

¹ Doctor of Law, Professor, Tashkent State University of Law. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: gulchexra.z.27@gmail.com

жиноят,
холислик,
тортишув,
конституция,
санкция,
суд,
апелляция,
қамоқ,
ҳимоя,
тергов судьялари.

хусусида сўз юритилган.

История возникновения и развития института «Habeas Corpus Act» в Конституции Нового Узбекистана и конституциях зарубежных стран

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

личность,
право,
свобода,
иммунитет,
преступление,
беспристрастность,
спор,
Конституция,
закон,
санкция,
суд,
апелляция,
тюрьма,
защита,
следственные судьи.

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с неприкосновенностью частной жизни, включенные в Конституцию Нового Узбекистана, а также история возникновения и развития института «Хабеас Корпус Акт» в конституциях некоторых зарубежных стран.

“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан жуда кўп хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг кейинги муҳим босқичи Ўзбекистоннинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги бўлди.

Хусусан, “Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги ва улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиш ёки қамоқда сақлаб туриш мумкин эмаслиги ҳамда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини судга шикоят қилиш орқали ҳимоя қилиши кафолатланганлиги тўғрисидаги талабларни жиноят-процессуал қонунида акс эттирилишини таъминлайди, ҳамда Жиноят-процессуал қонунини такомиллаштириб, дастлабки терговга суд назоратини олиб кириш имкониятини яратади.

Суд назоратининг замирида эса холислик, тортишув, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки

улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судлар ваколатида бўлиб, у узоқ тарихга эга.

“Habeas Corpus Act” 1679 йил 26 майда қабул қилинган бўлиб, қамоққа олиш устидан шикоят қилиш ва ноқонуний ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилишнинг биринчи классик намунаси ҳисобланади. “Habeas Corpus Act” инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи ҳужжатдир. Унда “Ҳеч бир озод, эркин фуқаро суд қарорисиз ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, мулкдан маҳрум қилиниши, қонундан ташқари деб эълон қилиниши, қувғинга олиниши мумкин эмас”, дейилади. Жиноят ишлари бўйича “Habeas Corpus Act” қуйидагича тартибда амалга оширилади. Ҳар бир қамоққа олинган айбланувчи ўзини нотўғри ҳибсга олинди деб ҳисобласа, шахсан ўзи ёки ҳимоячиси орқали лорд-канцлерга шикоят қилишга ҳақли бўлган. Лорд Habeas Corpus буйруғини бериш ҳамда уни тасдиқлайдиган муҳрни сақлаш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланган. Мурожаатни олган судья дарҳол ишга киришиб, қамоққа олишнинг қонунийлигини текширган. Агар қамоққа олиш ноқонуний амалга оширилган бўлса, шахс дарҳол озод қилинган. Англия юридик адабиётларида “Habeas Corpus Act” шахс ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг олий даражадаги кафолати ва инглизларнинг миллий ғурури” деб таърифланади.

Хабеас корпус институти тарихини таҳлил этиш мазкур актни амал қилиш жараёнини ўрганишни тақозо этади.

Жумладан, Англияда ҳуқуқнинг англо-саксон шакли амалда бўлиб, суд инсон ҳуқуқ ва эркинликларини асосий кафолати ҳисобланади. Англияда мавжуд бўлган казуист ҳуқуқида шахсни қамоққа олишнинг қонунийлигини текшириш тўрт хил суд буйруқлари асосида амалга оширилган. Аста-секин бу буйруқларнинг учтаси барҳам топиб, фақат “Habeas Corpus Act” деб номланган, яъни “қамоққа олинган шахсни дарҳол судга олиб келиш зарур”лиги тўғрисидаги буйруғи қолди.

XVII асрнинг охирларида Англияда присяжный суд томонидан чиқарилган ҳукм қатъий, айблов ҳукми бўладими, оқлов ҳукми бўладими шикоят қилиниши мумкин эмас, деган қоида ўрнатилган. Ўша вақтда Англияда янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қайтадан ҳаракатга келтириш тартиби бўлмаган. Агар маҳбуснинг айби бўлмаса, ички ишлар вазирининг тақдимномасига кўра афв этилган.

XIX асрга келиб парламентга присяжный судларининг айблов вердиктини қайта кўришни белгилловчи бир неча қонун лойиҳалари тақдим қилинган, лекин уларнинг биронтаси қабул қилинмаган.

1907 йил Англия юристлари назарида одил судловни амалга оширишда инқилоб содир бўлди – жиноят ишлари бўйича апелляция судлари ташкил этилди. Апелляция тартибида айблов ҳукми устидан фақат маҳкум шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Апелляция суди биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони иш ҳолатига ва маҳкумнинг содир қилган қилмишига мос эмас деб топса, жазони ўзгартириб, ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган томонга ўтиш ваколатига эга бўлди. Лекин бу ҳақда шикоят билан мурожаат қиладиган маҳкум огоҳлантирилиши шарт эмаслиги қайд қилинди.

Англия судининг ташкил топиши ва тузилиши анча мураккаброқ. Улар тўрт босқичли суддан иборат:

Лордлар палатаси

Апелляция суди

Юқори суд ва корона суди

Қуйи судлар: графлар суди ва магистратлар суди.

1971 йилдан бошлаб апелляция суди. Юқори суд ва корона судлари олий суднинг бўлинмалари бўлиб ҳисобланади.

Лордлар палатаси жиноят ишларини кўрадиган суд сифатида икки турдаги ваколатни бажаради: 1) умумий судларда кўрилган жиноят иши бўйича апелляция инстанцияси; ва 2) биринчи инстанция суди сифатида.

Англияда тергов судьялари йўқ, уларнинг ўрнида Корона судлари мавжуд. Коронарлар присяжнийлар билан биргаликда қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки шубҳали ўлимларни ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этадилар. Буни Англия жиноят судлов ишларини юритишнинг алоҳида хусусияти деб айтиш мумкин. Махсус қироллик терговини амалга оширилишини ҳисобга олмаганда, нафақат тақдим этилган далилларни текширувчи, балки уларни топиш мажбуриятига эга бўлган ёки суд органи фаолиятига хизмат қиладиган дастлабки терговнинг ўзи йўқ. Англияда барча тергов ҳаракатларини ўтказиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш полиция хизматида тегишли бўлган. “Яқин вақтларгача полиция бошлиғи жиноят ишини кўзғатиш ваколатига ҳам эга эди. Ҳозирда бу ваколат давлат айблов хизмати ваколатига берилган. Бу хизматни Бош атторней бошқаради. У умумий жиноий таъқиб директори сифатида жойларда қироллик айбловчиларини тайинлайди”.

Шуни таъкидлаш жоизки, Англияда далилларни дастлабки текшириш, умумий қоидага кўра, айблов ҳужжати судга тақдим этилгандагина амалга оширилиши мумкин. Бундай текширув органи бўлиб, мировой (келиштирув) судлари, пойтахтда – полиция магистрантлари, жойларда – тўлов асосидаги магистрлар ҳисобланади. Далилларни дастлабки текшириш яқка тартибдаги судьялар ёки кичик сессияларда (суд мажлисида) амалга оширилади. 1848 йилги қонунга кўра, судья ёки суд олдиндан далилларни текшириб, шу асосда шахсни айблаш мумкинми ёки йўқми, деган масалани ҳал қилади.

1952 йили магистрат судлари тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейин Англия жиноят судлов ишларини юритишнинг бу босқичдаги вазифалари янада аниқлаштирилди. Жиноят иши материални дастлабки текширувдан ўтказадиган магистратнинг вазифаси жиноят иши материални мазмунан ўрганмасдан ҳамда таъқиб қилинаётган шахснинг айбдор ёки айбсизлигини олдиндан ҳал қилмасдан туриб, мавжуд далиллар билан танишиш орқали, шахсни ушбу айблов ҳужжати билан присяжний судига бериш мумкинми ёки йўқми, деган масалани ҳал қилишдан иборат бўлади.

Жиноят иши бўйича апелляция суди 1966 йил 1 октябрга қадар амалда бўлди. Кейинчалик Донаван комиссиясининг таклифига кўра, Олий суд қошидаги жиноят иши бўйича апелляциянинг ваколати кенгайтирилди. Апелляция суди бўлимнинг бир палатаси маҳкумлардан тушган ҳукм бўйича апелляция шикоятини бош суднинг лорди раислигида кўриб чиқадиган бўлди. Бу қонунга кўра, шикоят берган маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўтиш бекор қилинди.

Англияда кассация суди мавжуд эмас, иккита апелляция инстанцияси фаолият кўрсатади. Лордлар палатаси апелляция инстанцияси сифатида жиноят ва фуқаролик ишлари юзасидан шикоятларни кўриб чиқади. Шу билан бирга, мазкур палата йўл қўйилган хато ва камчиликларни апелляция суди сифатида бартараф қилишда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Масалан, 1995 йил Лордлар

палатаси апелляция судининг 25% жиноят ишлари бўйича қарорларини бекор қилган. Кейинги йилларда бу кўрсаткич яна ўсган.

Англиянинг ҳуқуқ тизимини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унинг дастлабки терговда суд назорати мавжуд. “Дастлабки терговда суд назорати” жумласи шартли ишлатилгани билан дастлабки терговда суд тизими сезиларли даражада ўз ҳукмини ўтказди. Масалан, дастлабки терговда суд назоратини амалга оширишнинг қуйидаги объектларини санаб кўрсатиш мумкин:

1) тергов ҳаракатларини ўтказишда; 2) процессуал мажбурлов чораларини қўллашда; 3) Habeas Corpus Act процедурасида, яъни шахсни ноқонуний қамоққа олиш устидан даъво кўзғатишда; 4) судга беришда (дастлабки суд муҳокамаси).

Айтиш керакки, Хабеас корпус акти Англияда вужудга келиб шаклланди, кейинчалик эса англо-саксон ҳуқуқ тизимига асосланган қатор давлатларнинг жиноят ишлари юритувидаги марказий институтга айланиб борди. Жумладан, 1791 йилда АҚШда Конституцияга киритилган дастлабки 10 та ўзгартиришлар “Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль”ни ташкил этиб, унга биноан “Инсоннинг шахсий ва уй жой дахлсизлиги асосиз қамоқ ва тинтувдан ҳимояланган бўлиши зарур. Ҳеч бир ордер етарли асосларсиз берилиши мумкин эмас”. Яъни, қамоқ тарзидаги процессуал мажбурлов чораси мутлақо суд рухсати асосидагина қўлланилиб, ижроия ҳокимияти вакиллари бўлмиш полиция томонидан фуқароларнинг шахсий ва уй жой дахлсизлиги ҳуқуқининг назоратсиз равишда чекланишини олди олинади. АҚШда Хабеас корпус институтининг реал таъминланиши айнан шахс ушланганидан сўнг 36 соат ичида магистрат судьяси томонидан қамоқда сақлашнинг етарли асослари мавжудлиги фактини текширилишида намоён бўлади. Яъни, бунинг натижасида судья шахсни қамоққа олиш учун санкция бериши баробарида уни қўллашни рад қилиши ҳам мумкин.

Шу билан биргаликда, Канада Конституциясининг “Суд қафолатлари” номли бўлимининг 10 моддасида “ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсга ушланганлигининг қонунийлигини Хабеас корпус процедураси орқали текширилишини талаб қилиш ҳуқуқи қафолатланиб, ноқонуний ушланганлиги аниқланганда дарҳол озод қилиниши зарурлиги” мустаҳкамланган.

Шунингдек, ФРГ Конституциясининг “Одил судлов” номли IX бобида Хабеас корпус институтининг қуйидагича татбиқ этилишини кузатиш мумкин, “Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ҳар қандай шахс 24 соат ичида судьянинг ҳузурига келтирилиши ва судья шахсга ушлаб туриш сабабларини тушунтириши, уни сўроқ қилиши ва эътироз қилиш имконини бериши шарт. Судья дарҳол қамоққа олиш тўғрисидаги асосланган буйруқ чиқариши ёки шахсни озод қилиши зарур”.

Хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунлари ва суд тергов амалиётини ўрганиш шуни тасдиқламоқдаки, Хабеас корпус институти жиноят процессида суд назоратининг бошқа фаолият йўналишлари қатори мустақил, алоҳида шакл сифатида эътироф этилган. Бинобарин, Хабеас корпус институти такомиллаштириш юзасидан Жиноят процессуал қонунчилигига тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хулоса қилиб айтиш жоизки, Биринчидан, Англия жиноят процессуал қонунчилигида суд назорати амал қилиб, унинг ёрқин шакли бу Хабеас корпус институтидир. Иккинчидан, жиноят процессида хабеас корпус акти узоқ тарихий даврлардан бери инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазасини ҳуқуқий қафолати тарзида амалда бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмайди.

Учинчидан, англо-саксон ҳуқуқ тизимининг классик шакли намоёндаси бўлмиш Англия жиноят процессидаги суд назорати институти тажрибасини ўрганиш:

а) дастлабки терговда суд назоратини махсус ваколатга эга бўлган иштирокчи (тергов судьяси) томонидан олиб боришнинг шартлилиги;

б) дастлабки терговда прокурор назорати билан суд назорати бир-бирига халал бермаган ҳолда амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир).
<https://lex.uz/docs/6445147>. 2023 йил.

2. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
<https://lex.uz/ru/docs/5841063>.

3. Ш.М.Мирзиёев, Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

4. Ш.М.Мирзиёев, Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

5. Ш.М.Мирзиёев, Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

6. Ш.М.Мирзиёев, Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 500 б.

7. Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд в Англии. –М.: 1969. –Б. 284-287.

8. Ахпанов А.Н., Насыров Г.Х. Арест в качестве меры пресечения: проблемы судебного контроля и санкционирования. (Монография.) –Алматы: 2005. –Б. 23.

9. Полянский Н. Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. -М.: 1969. -314 б.; Гуценко К.Ф., Головки Л.А., Филимонов Б.А. Уголовный процесс зарубежных стран. -М.: Изд. Зерцало. 2002. –356 б.

10. Романов А.К. Правовая система Англии. -М.: 2002. –Б. 239-241.

11. Солодилов А. В. Судебный контроль в системе уголовного процесса в России. -Томск.: 2000. -Б. 140-141.